

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Бошқарув

Раиси ўринбосари

Д.А.Рустамов

2022 йил



Банк хизматлари акс эттирилган видеоролик тайёрлаш бўйича  
ЭНГ яхши таклифларни танлаш бўйича

## **ТЕХНИК ТОПШИРИҚНОМА**

2022 йил

## **Банк хизматлари бўйича видеороликлар тасвирга олиш ҳамда эфирга узатишга тайёрлаш бўйича энг яхши таклифларни танлаш**

### **Танлашнинг шартлари:**

1. Банк хизматлари акс эттирилган ўта мазмунли ва жамоатчилик эътиборини ўзига тортадиган сценарий такдим этиш:
  - **“Банк омонатлари”**
  - **“Автокредит”**
  - **“Ипотека кредитлари”**
2. Такдим этилаётган сценарий буюртмачи томонидан тасдиқланиши шарт.
3. Тасвирга олиш гуруҳи ўзининг юқори малакага эга суръатга олувчилар ҳамда режиссёрларига эга бўлиши, улар ўз ишининг профессионал устаси бўлиши керак, шунингдек, ижодий гуруҳнинг зарур техникалари ҳам бугунги кун талабига тўлиқ жавоб берадиган ихчам ва замонавий бўлиши керак.
4. Ҳар бир видеороликнинг давомийлиги 60 - 120 сония.
5. Видеоролик сюжетларида албатта анимацион кадрлар ишлатилиши керак ва ўз навбатида ижодий гуруҳ аъзолари малакали компьютер графистига эга бўлиши керак.
6. Видеоролик ўзбек ва рус тилларида бўлиши мумкин.
7. Ҳар бир видеороликда буюртмачи (банк раҳбарияти) томонидан танланган актёр ва актрисалар (камида 4та) тасвирга олиниши керак.
8. Видеороликка тажрибали суҳандон овоз бериши зарур (Буюртмачи томонидан танланади). Мисол учун: Нодирхон Мухаммедхонов
9. Видеоролик тасвирга олиш учун дронлардан фойдаланилади.

Ҳар бир видеороликни тайёрлаш муддати 10 кун. *(Эслатма: буюртмачи (банк раҳбарияти) томонидан берилган топшириқга кура 10 кун ичида барча жиҳатлар, яъни, тасвирга олиш, монтаж қилиш, овозлаштириш, анимацион графикалар ва бошқа барча жараёнлар амалга оширилиб, маҳсулот тайёр кўринишда топширилиши шарт).*

Банк бу жараёнда ҳеч қанақа ташкилий жиҳатларни, масалан: автотранспорт хизмати, керакли жихозлар *(тасвирга олиш ускуналари, компьютер жамланмаси, тасвирга олиш объекти, танланган актёрлар ва бошқалар)* ҳамда бошқа зарурий воситалар учун маблағ ажратишни ўз зиммасига олмайди.

Тўловнинг 50% миқдори маҳсулот тайёр бўлганидан сўнг амалга оширилади.

Бошланғич нарх: 105 000 000 сўм (ҳар бир видеоролик учун 35 000 000 сўмдан)

## Техник топшириқ:

1. Етказиб берувчи ташкилот ушбу йўналишда фаолият олиб борган бўлиши зарур (Гувоҳнома);
2. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларнинг йўқлиги (маълумотнома);
3. Етказиб берувчи ушбу танлов бўйича хизматларни техник топшириқларга катъий мувофиқ тақдим эташ тўғрисидаги қафолат хати бериши шарт;
4. Иштирокчи қуйидаги босқичда бўлмаслиги: қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик (қафолат хати);
5. Етказиб берувчи ташкилотда камида 2та профессионал ходимга эга бўлиши керак; (Мавжудлиги тўғрисида қафолат хати);
6. Етказиб берувчи томонидан тасвирга олиш учун камида 1 дона РЕД камера ҳамда 1 дона дрон мавжуд бўлиши керак; (Кафолат хати);
7. Етказиб берувчи ташкилот банк хизматлари бўйича камида 2 та тижорат банки учун видеоролиқлар тайёрлаган бўлиши керак; (Қилинган ишлари бўйича намуна);
8. Асосий талаб: Етказиб берувчилар томонидан таклиф қилинган сценарий наъмуна сифатида жойлаштирилиши зарур. (Сценарий намуна);
9. 4та машхур актёр ва актрисалар (камида 2та Халқ артисти) буюртмачи томонидан танлаб олинади (Танлаш учун вариантлар);
10. Анимацион 3Д график билан ишлаш (Кафолат хати);
11. Видеоролиққа тажрибали суҳандон овоз бериши зарур (Буюртмачи томонидан танланади);
12. Иштирокчилар коррупция ёки коррупция харакатларининг олдини олиш учун аризалар топширишлари шарт (Ариза)

## Харид комиссия аъзолари

Банкни стратегик ривожлантириш ва маркетинг  
департаменти директори – Комиссия аъзоси



Ф.А. Рузикулова

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот  
департаменти директори – Комиссия аъзоси;




Г.Х. Ахмедов

Ахборот технологиялари департаменти директори –  
Комиссия аъзоси;



Б.Н. Дехканов

Банк юридик хизмати бошлиғи – Комиссия аъзоси;



А.Х. Халйигитов

Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш  
бошқармаси бошлиғи ўринбосари – Комиссия  
аъзоси;



Р.Ф. Сотиволдиев

Ишлар бошқармаси бошлиғи – Комиссия аъзоси;



А.А. Шаққулов